**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ВА КУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ**

**«АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ» КАФЕДРАСИ**

# АРХИТЕКТУРА КОМПОЗИЦИЯ НАЗАРИЯСИ

Фанидан маъруза матни

**– Архитектура магистр М – 580101**

**(1 семестр – 1 курс)**

**Маъруза- 36 соат.**

**Доц. Толипов К.**
**Доц. Иногамов Б.И**
**Арх. Сетмаматов М.Б.**

**Тошкент 2001 йил.**

**Тузувчилар:** **Доц. Толипов К.**
**Доц. Иногамов Б.И**
**Арх. Сетмаматов М.Б.**

ТАКИ 2001 й 38 бет

Мазкур маъруза матни «архитектура таълим йуналиши талабалари учун» «архитектура композицияси назарияси» фани буйича магистр малакасини олувчиларга мулжалланган

«Архитектуравий лойихалаш» кафедраси

Тошкент Архитектура Курилиш Институти илмий услубий кенгашида тасдикланган ва илмий кенгаш карорига асосан нашир этилди
баённома №

Такризчи проф Убайдуллаев Х.М.

Тошкент 2001 й

## МЕЪМОРИЙ КОМПОЗИЦИОН ЕЧИМ ХАКИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА.

Композиция сузи лотинча «композиция» сузидан олинган булиб, егиш, бирлаштириш деган маънони англатади. Бу тушунча алохида иншоатларга ва уларнинг комплексига тааллуклидир. Функция, конструкция ва бадиий тушунчаларга оид муаммолар композиция бадииий тасвирлар системасининг яхлитлиги ва уларнинг функционал ва техник – конструктив талабларига жавоб берувчидир.

Хозирда меъморий масалалар мураккаблашиб бораётган пайтда, функционал ва конструктив композициянинг асослари алохида урганилмокда. Меъморий композиция назарияси меъморчилик борасида олиб борилган таткикотларни уз ичига олади.

Унинг вазифасига бадиий тасвирий асарларни гармонияга мослаштириш киради. Композиция назариясининг идеялларини бирлаштириш характерига эгадир. У билимдан билиш махоратига утиш зинапоясини яратади.

Меъморий композиция назарияси бадиий ижод ичига кириб бормокда, бунда махорат ва интуициянинг роли каттадир. Версификация усуллари ва граматик билимлар хар бир инсонни шоир кила олмайди, лекин шеър санъатида у жуда мухимдир. Меъморчиликда хам шундай.

Замонавий композиция назарияси куп асрлик махоратга эгадир, у махоратини катта талант билан богламайди ва тайёр рецептларни хам бермайди.

## МЕЪМОРЧИЛИКНИНГ БАДИИЙ ВОСИТАЛАРИ.

Композиция меъморий асарларда ишлатиладиган бадиий воситаларнинг узаро богликлигини аниклайди. Уймакорлик учун специфик ва асосийси бадиий воситаларнинг ифодаланиши яъни унинг формаларини фазо ва тектоникани ташкил килишдир. (Тектоника-конструкция ва материал ишлашининг ташки бадиий ифодаланишидир.) бу икки боглик восита фазо ва уни ташкил килувчи кобиги меъморчилик асарида ажралмасдир.

Фазони ташкил килиш уймакорликда функционал техника конструктив ва эстетик талабларга буйсунади. Бу ерда эстетик нафакат идеал ифодаланишда, жамият ва асрдан пайдо булган балки, инсоннинг психофизиологик закомер хис-туйгуларига хам жавоб булади. Бу закомерлик меъморчиликнинг хамма ривожланган даврлардаги формаларининг таркиб топиш усулларини аниклайди.

Бундай усулларга: симметрия ва ассиметрия, июанс ва контраст, ритм, булак ва умумийлик орасидаги пропорция ва мослашишнинг маълум тикланишлари мисол булади.

Образли ифодаланишга меъморчиликда масштаб хам катта таъсир курсатади, яъни иншоатларнинг инсонлар билан солиштирилиши. Бу хусусият яна кабул килишнинг психофизиологик механизмига хам боглик.

Уймакорликнинг бадиий воситалари яна, предметнинг устки кисмини кайта ишлаш, унинг ранги ва фактурасини хам тулдиради.

Меъморчилик формасини ташкил килишда инсонларнинг кабул килиш жихатлари хам хисобга олниши керак, оптик иллюзиянинг пайдо булишидай. Оптик иллюзия – катталикнинг ёлгон бахоси, форма ва масофанинг хам ёлгон куринишидир, оптик кузнинг пайдо килишлиги ва психик системанинг кабул килинишлиги огохлантиришлиги, тугриланиши ёки акл билан ишлатилишлиги керак. Акс холда уйлаб куйилган эстетик эффект бузилиши мумкин.

Фазовий система ва тектоника куриш – бу меъморчиликнинг асосий композицион воситаси, функционал таркиб топиш ва унинг конструкцияси билан узвий богликликдир. Симметрия ва асимметрия, июанс ва контраст, ритм, мослашиш ва булаклар ва бутун пропорцияси, материалларининг ранги ва фактураси бу фазовий формаларнинг тартиб топиш учун хизмат киладиган воситадир. У улар ёрдамида кабул килишнинг психофизиологик закомерностлигига келтирилади, эстетик хусусият ва бадиий фикрликни тартиб топтиради.

Фазовий формани ташкил килиш воситалари биргина меъморчилик учун специфична эмас-улардан бошка саноат турлари хам фойдаланадилар: июанс, симметрия, ритм, пропорционал системанинг аникланган алокасини биз табиий формаларнинг закомерлигида кузатишимиз мумкин.

Меъморчиликнинг хар бир бадиий воситалари алохида ахамиятга эга эмас ва узи якка холда мавжуд була олмайди, улар факат композициядан наф оладилар.

## МЕЪМОРЧИЛИКДА ТЕКТОНИКА ТУШУНЧАСИ.

Меъморчиликда конструкция ва материалларнинг бадиий хусусиятига – тектоника дейилади.

Меъморчиликнинг ва курилиш техникаси бир биридан ажралмас.

Меъморчилик шакли бадиий киёфаси, структуравий хусусияти ва танланган материал конструкциявий ишчанлигининг бир бирига мутаносиблигига айтилади. Бинонинг конструктив системаси бадиий уйгунлаштирилган булиши керак.

Бу мутаносибликка кадимги меъморлардан (кадимги Греция, готика) интилиб келинган. Кадимги Грециядаги яралган ордер системаси, бино кисмлари ва бутун бино ир бирига якинлаштириб умумий бир шаклга, колибга келтирилади.

Ордер системасининг вужудга келишига бир аср вакт утган булса, хозирги бизнинг замонда, курилиш усулларининг ва тектоника тилининг, конструкцияларнинг ихтиро этилишга узоги билан ун йил сарф булмокда.

Фан ва тектониканинг ривожланиши архитектурада янги материаллар: пулат, темирбетон, синтетик материаллар, алюминий, самарали иситгичлар ва бошка ихтиро килишга олиб келди.

Иншоат тектоникаси конструкцияси хосил булади ва у материал ишчанлигида узлуксиздир.

Айтилган мулохазалардан келиб чикиб, тектоник конструкцияларни анализ киламиз: девор конструкциясининг тектоникаси, устун тусинли каркасли система. Фазовий конструкциялар ва шу билан биргаликда арка ва гумбазлар.

## КОНСТРУКЦИЯ ВА МЕЪМОРЛИК ШАКЛИ ОРАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИК.

Меъморчилик хусусиятлари шаклланишига кура хар хил булади.

Хар бир даврга узига хос бадиий узлаштириш усуллари ва конструкциялари бор. Бирок самарали окибат, шакл конструктив мантик асосида ривожланса ва санъат ва техника бир ёкадан бош чикаришганда……………

Хажмларнинг тектоникаси хисоб-китобларнинг хосиласи эмас, аксинча у меъмор ижоди ва даврлар давомида шаклланган меъморлар ижодларининг хосиласидир. Конструкция ва меъморий шаклларнинг мутаносиблиги мураккаб ва купкирралидир.

Тектониканинг иккита асосий типларга ажратиш мумкин.

1. Меъморий хажм, конструктив зарур габаритлар билан мос келса, шу оркали материалларни самарали ишлатиш ва ундан тула тукис фойдаланиш……… бадиий курилиш уни утилитор конструкция булишдан ва факат пластик ечимли хал килишдан саклайди.

2. Меъморий хажм конструктив хусусият билан уйгунлашса. Конструкция куринмас, аммо шаклли яратишиши ва материалли ишлатишни яхшилайди.

Меъморий безаклар асосий максадни кузлайди. Меъморий ёлгон безаклар, услублаштиришга караганда бадиий хакикат яхширок.

Хар бир даврга узига хос тектоник усул мавжуд булиши керак. Аммо табиатнинг узи хам бизга яратилган усулни уйгунлаштиришга туртки булади.

Тектоник шакллар конструкция билан чамбарчас богланиши, эркин була олмасада, кейинчалик уни машхур грек ордерлари сингари узгармас бир комуси сифатида фойдаланишлари мумкин. Кадимда тошлардан бетартиб фойдаланилган даврда, ордер системасининг яратилиши, тартиб ва уйгунликнинг намунали мисоли булиб колганди.

Кейинчалик у функционал вазифасини бажармасада чирой, безак сифатида меъморий безак булиб хизмат колган. Хулоса шуки, тектоник шакл, меъморий безак шаклига айланиб кетди.

Курилишнинг тектоник имкониятлари ошди. Хозирги «тектоник имкониятлар йул куймайди» – деган гапларни ишлатиш ноурин.

Баъзи меъморлар меъморий  меъморий композицияда асосий вазифани меъморий мухит дейишади.

Бошкалари асосий вазифа килиб тектоникани хисоблайди. Аммо энг самарали ва одам шу йул меъморий мухит ва тектоникани уйгунлашгашдир.

Инженернинг кашфиётлари хозирда ажойиб ва бетакрор меъморий шаклларини «алифбо» си булиб колди. Конструкциянинг кулланиши натижасида, унинг пластикаси, ритми, симметрик мувозанати, модули, ёрдамида меъморлар эстетик рухиятни пайдо килишга эришади. Конструкцияни бадиий урганиш натижасида тектоник шакл тугилади. Бунга хозирда купгина машхур бино ва иншоатларни мисол килса булади.

Куп ва хилма-хил конструкцияларнинг бир иншоатда кулланилиши, замонавий меъморнинг кенг ва бой тектоник шакл яратишга олиб келмокда. Меъморий янги шаклни топиш учун бинонинг конструктив мантикини чукур урганиш ва эклектикага дуч келиб колиш мумкин.

Демак. Бадиий махорат ва куринишининг, меъморий шаклнинг асосларидан энг каттаси тектоникадир.

## ХОНАДОНЛАРНИНГ ФАЗОВИЙ – МЕЪМОРИЙ ЕЧИМИ.

Турар жой танкидлиги даврида хоналарнинг меъморий фазовий ечимларини ишлаб чикариш кийин эди. Ечимлар индивидуаллашган ва бир бирини сигиштирмайдиган фазолардан иборат булиб, улар маълум бир талабларга жавоб берадиган килиб ишланган эди.

Хозирги шароитда хоналарни ечимида эркинлик пайдо була бошлади. Биз хоналарни режалаганда кушимча хоналарни киритишимиз мумкин. Хоналарда инсонларни яхши дам олиш учун яхши шароитларни вужудга келтириш имкони тугилди. Меъморчиликда чиройли ва кулай тушунчаларни ажратиб булмайди.

Конкурс лойихаларни ташкил килиб, уларни устида изланишлар олиб келдики, инсонлар учун чиройли ва кулай хонадонларни ишлаш мумкин экан. Бунда турар жой майдони 12 $м^2$ ни бошига килиб олинди. Меъморларнинг максади атроф мухитни чиройли килиб, инсон кузига ёкадиган яратишдир, яъни инсонлар талабларига жавоб берадиган килиб яратишдир. Машхур француз меъмори Ле Корбьюзе шундай деган эди: «Меъморчилик бу-элементларни жойлашиши, ечими, уларнинг тартиб билан жойлашиши, яъни сифатига боглик», шунинг

учун професионал меъморлар тилида шундай атамалар, тушунчалар мавжуд.

«Фазовий ечим», «меъморий режалаштириш ечимлари», булар хаммаси кандайдир тартиб билан амалга ошади. Буларни тартиб билан амалга ошириш учун композицион шакллардан фойдаланилади.

Асосий композицион характеристикалардан: фазони шакллантириб боришини ташкил килиш, умумий шакл харакатда вужудга келади. Шаклларни тасаввур килиш уларнинг кетма-кетлигидан келиб чикаради, буларнинг хаммаси куриш кобилиятининг имкониятларига боглик килиб олинади. Бундай алокаларни вужудга келтиришда фазовий марказга «ось» эътибор бериш керак. Ривожланиш йуналишини аниклаб бериб, инсонларни онгига таъсир килади. Одамларни хона ичида харакатини ва йуналишини осонлаштиради. Ташки ва ички фазовий мухитларни бир – бирига богликлигини таъминлашда марказий ук (ось) композицион восита хисобланади.

Марказий укка нисбатан жойлашган шаклларнинг бир канча турлари мавжуд, яъни укка нисбатан симметрик ва ассимметрик жойлашиши: марказий укка нисбатан фронталь жойлашиши ёки марказий ядронинг атрофида жойлашшиши.

Шунга ухшаш шаклларни биз турар жой ячейкаларида куринишимиз мумкин. Мисол учун галареяли ва блокли уйларда куриш жойлари торец томондан булади фазовий ечим узунасига жойлашган укда етади. Уларнинг ривожланиши кириш кисмидан бошланиб ичкарига караб йуналади ва давоми очик фазога давом этади.

Бир томонга караган квартираларда фронталь фазовий ечим куп кулланилади. У фронталь ёруглик нури буйича жойлашади. Марказий ядро атрофида жойлашган хонадонларда 2 хил йуналишда ривожланади:

1. Ташкил килинаётган фазолар марказга каратилган булади. Бунда уртада ховли ёки яхши хоналар мавжуд булади.
2. Маълум бир шартли марказдан атрофига ёйилган хоналардан ташкил топиши. Хоналар очик атроф фазовий мухитига каратилган.

Одатда бундай ечимда хонадонлар 3 ёклама йуналтирилган булади. Бунда атрофида эркин ёруглик фронтига эга булади.

Меъморий масалаларни хал килишда кабул килинган принциплар бадиий хал килинмоги лозим.

Бадиий шарт-шароитларни вужудга келтиришнинг асосий кисмидан бири унинг фазовий бирлигидир. Фазовий бирликни ташкил килиш-композицион нуктаи назардан асосий ва иккиламчи шаклларни курсатишдан иборатдир. Контрастлик, яъни асосий нарсани курсатиб беришда катта роль уйнаши, бу контраст шаклда ёки улчамларда булиши мумкин.

Доимо композициянинг асосий элементи булиб умумий хона ёки (нарядная помещение) булади. Марказий укка бу симметрик холда жойлашади.

Турар-жой хоналарининг лойихада (планда квадрат), доира ёки куп бурчак шаклида жойлашиш, унинг босиклик хусусиятини белгилаб беради. Бундай фазо бошка ривожланувчан фазони узида тухтатади. Замонавий амалиётда биз турар-жой хонадонларини ечими анча узгарган холатларни куришимиз мумкин. Яъни координаталар сеткасидан чиккан холда узига хос равишда ишланган хонадонлар. Бундай хонадонларда динамика мавжуд булади. Шу билан бирга бундай хонадонларда умумий фазовий ечим узининг тартибини ва бадиий кийматини йукотилган.

Масалан : 59 та хонадонда композициянинг асосий элементи булиб мураккаблашган бир-бирига утувчи хоналар системаси, кираверишь, ошхона ва болалар хонаси хисобланади. Улар бир даражада ва умумий хонага караб очилган булиб умумий хона бир икки зина пастда жойлашган. Булар хаммаси битта композицияни ташкил килади, улар умумий потолок билан бирлашади, негизида жойлаштирилган фронталь фазовий ечим ётади, умумий хонани алохида ажратиб туради. Узаро мутаносиб жойлашган кириш ва ёруглик тешиклари (дразалар) умумий хонага фазовий укни борлигини билдириб, хонанинг тартиб билан жойлашиб мувозанат холатига келтирилганлигини билдиради. Буларнинг бир-бирига яъни умумий хонанинг бошка кичкина хоналар билан мутаносиблигини контраст ечим билан ечилган. Шундай килиб композицион усул тушунчаси тагида функционал далилларнинг хам роли катталиги келтириб утилган.

Бу мисолдан биз ечимларни кай тарзда эркин ишлашимизни, асосийсини билдириш, лекин функционал богликликни йукотмаган холда ечим излашни курамиз. Улар ички  чукур ва фронталь. Чукурликка шаклланган, бошланишни кириш кисмидан бошлаб, психологик кичкина бир хонада тухтатади. Бунинг тархининг шакли квадрат  шаклидадир. Бунда биз хоналардан кулайлик билан фойдаланамиз.

Хонадонларнинг фазовий ечимининг кулай ишланганлиги ундаги харакатлар тартибини енгиллаштиради. Хонадонларнинг тархларини ишлаш чогида меъморлар ундаги инсоннинг харакатини тасаввур килган холда ишлайди. Хонада киши харакатини имкони борича камайтириш яъни ортикча энергия сарфини тежаш керак.

Хоналарга ёруглик нури урта меъорда тушмоги лозим. Масалан: 60 б расмда курсатилган хоналарда композициянинг асосий элементи (ёруглик булаклари) ёруглик тушадиган проёмлар хисобланиб улар асосий марказий укка нисбатан симметрик жойлашган. Умумий хонанинг кириш кисмидан узоклашганлигига карамасдан, у марказий

укка нисбатан симметрик жойлашган ва табиий ёруглик дахлиздан утади. Шу билан харакатнинг йуналишини аниклаб беради.

Ташки мухит билан ички мухитнинг таъминлашда балконлар ва лоджиялар  асосий турларини куришимиз мумкин. куП таркалган турлардан бири «Г» шаклдаги тархларни олиш мумкин. Булар купинча жанубий районларда кам каватли турар жойларда кулланилади.

Куп холларда ховлига ёругликни утказишда кулай жойлашади ва композициянинг асосий элементи булиб хизмат килади. Бу ховлиларни безаб, унга хар хил усимликларни жойлаштириб композицияни бойитиш мумкин.

Полларни хам чиройли безаклар билан накшинкор пол безаклари билан безаш мумкин.

Бу очик жойларни ойнаванд килиш билан ёруглик тушишини купайтириш мумкин. Бундай шаффоф тусиклар фазони бирлаштиришга ёрдам беради. Фазоларни бирлаштиришда яна ойнаванд эркерлар ва лентасимон ойналар хам катта роль уйнайди. Шундай усулларда ишланган уйларда интерьердан ташки мухит жуда чиройли куринади. Потолок ва полнинг давоми интердан ташкарига чиккандай туюлади.

Мослашувчан фазо ячейкалари динамик холда тасаввур килиниб хозирги шароитда кулланилмокда.

Оила шароитида хонадонларнинг эксплуатация килиниши янги талабларини келтириб чикармокда. Хонадонларнингфункционал жихатлари хам ортиб бормокда.

## ПАСТ ВА УРТА КАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ ХОНАЛАРИНИНГ КОМПОЗИЦИОН ЕЧИМИ.

Якка хужаликдаги турар-жой бинолари асосан колхоз, совхоз кишлок типидаги шахарларда яъни махаллалардаги уйлар узимизнинг урф-одатларимизга хос холда курилган.

Унинг органик богликлиги яъни уй билан хужалик рузгор тузилишининг бирлигидир. Уй хужалик системаси ва уй функционал ечимни бажариб битта ягона структурани ташкил этади. Уйнинг вазифаси факат уйда яшаш учун шарт шароит яратиши эмас, балки хужалик рузгорни юритиш учун хам кулай шарт-шароит яратишдир. Бу эса уйнинг типига ва канча ер участкалига жуда катта богликдир. Уз навбатида канча одам сонига хам богликдир.

Бунда ахоли яшаш ва ишлаш тарзи учун (рузгор хужалигини) бу майдонида кушимча хужалик курилиши, гараж, боглши уйча, дам олиш жойи, (молхона, товукхонадан ташкари) кабилар куришади. Купрок уз вакт ва кучларини шу участкада мехнат мехнат фаолиятини утказишади.

(Молларга караш, полиз ва богда ишлаш) кабилар.

Хужаликдаги уйлар режали структураси ва хоналарнинг тузилишига караб кишлок шароитида бошкача, шахар шароитидан фарк килиш мумкин.

Асосан эса уй режаси функционал жихатдан ажратиш билан бирга зоналарга тугри ажратишимизга тугри келади яъни 2 га ажратамиз.

1. яшаш зонага.
2. Хужалик зонага.

1. Зонага : турар жой хоналари, ётокхона, умумий хона, ошхона, (кушимча мехмонхона) йулак кабилар киради.
2. Зонага : тайёрлаш хонаси (ошхона) ишчи хона (яъни ем-хашак тайёрлаш хонаси) .

Шу билан бирга яна кушимча ажралмалар бор.

А) Собзавотларни саклаш ва тайёрлаш.

Б) Кир ювиш учун булак жой.

В) Ишчи ошхона сув билан таъминланган булиши шарт.

(газ билан хам).

Г) Кушимча хужалик рузгор учун албатта эшик булади, оддий кириш эшигидан ташкари.

Лойихада ишларнинг баъзиларида 2 та эшик ховлига кириш учун. Бунда хужалик рузгор эшиги ховли оркасидан назарга олинади. Бирок асосан 2 та эшик хам асосий йулакдан курилади.

Хужалик майдонга эга булган уйларни 3 типга буламиз.

1. Булак ажралиб турувчи хужалик хоналар ва турар-жой кисмида хам кушимча хужалик хона.
2. Уйга яъни турар-жой хоналарига бириктирилганхужалик хоналари.
3. Турар-жой кисм билан хужалик хонадар комплекс тарзда курилган.

Бу схемада маълум шароитимизга ва 4 иклим шароитига хос хажмий композицияни курамиз. 4 иклим шароитини хам зоналарга ажратадиган булсак орада узаро фаркли композицион хажмий композицияни курамиз бунда уй режанинг хужалик режа билан богликлигини хам курамиз.

Бирок асосий вазифани бизнинг иклим шароитимизда куйидагилар асосий вазифани бажаради: очик, ёзги хона соябон (теневой навес), очик ва ёпик ховлилар, кушимча ховли хоналар, очик ёзги ошхона ва х/з. (тандир утинхона ва бошкалар).

Бундан ташкари очик айвон, ички ховли ва х/к.

Ички ховли асосан хароратни салкин саклаш ва вентиляция вазифасини бажаради, шу билан бирга ховли уйнинг хавосини алмаштириб туради.

Куёш радиациясидан сакланиш учун панжара, очилиб ёпиладиган, йигма нурдан саклагичлар, яшил кучатлар, очик ранглар ишлатилади.

Бирок уй курилишида миллий куриниш, рационал келиб чикишга, урф-одатга, ахолининг маиший поганасига, конструктив материалларни шароитидан келиб чиккан холда куллашга ва курилиш методига жуда катта богликдир.

Мана нарсаларни юкорида айтиб утилган сифатларни билган холда куп каватли биноларда кулласакяъни айвон ховлили уйлар системасини хал килишимизга тугри келади.

Мана шу юкорида куриб чиккан схема асосида ховли системасини куп каватли бино учун энг кулай хисобланади.

Биз биламизки куп каватли куп хонадонли биноларда ёзги хона, балкон, айвон, лоджий лойихаларда курилиб курилган. Бирок бу айвончалар энига нисбатан кичик улчамга эга булиб буйига (куп холларда) узун килиб курилган. Бу эса шу ёзги айвончаларидан фойдаланишда баъзи бир нокулайликлар келтириб чикаради.

Хозирги лойихаларда квартирага кириш дахлиздан бошланади. Бир каватли биноларни куп каватли биноларда хам узимизнинг урф-одатларга таянган холда якинлаштиришимизга харакат килишимиз керак.

Куйидаги схемаларни куришимиз мумкин.

1. Крест шакли.
2. Бир бирига киргизилган холда (зинапоя шаклида)
3. Коридорли
4. Галлерияли (очик айвон)
5. Секцияли.

2 каватли секция булса (1 каватлида ховли).

Албатта хоналар баландлиги 2,7 м эмас (полдан шипгача) баландрок олинади.

Бундай биноларда узимизнинг анъанавий урф-одатларимизни яхшилашимиз керак.

Бундай биноларда уй хонадонлари эркин булиши керак.

Узбек оилалари кенг очик хоналарда яшашга урганган уша шароитни янада яхшилашга кумак беради.

# ТУРАР ЖОЙ КУРИЛИШИ ТУРЛАРИ. ХОНАДОНЛАРНИНГ МЕЪМОРИЙ ФАЗОВИЙ СТРУКТУРАСИ.

## Турар жой курилиши турлари.

Турар жой иншоатлари хар хил иклимий ва шахарсозлик шароитларида курилади. Бу эса унинг хажмий ва композицион ечимларига таъсир килади. Биз асосий куриладиган турларини мисол килишимиз мумкин.

Периметри буйича жойлашган турар жойлар. Улар узинасига жойлашган уйлардан ташкил топган булади:

Купсекцияли, коридорли, галлерияли ва блокдан ташкил топган турлар.

Буларнинг узига хос хусусиятлардан уртада ёпик ёки ярим ёпик ховлининг мавжудлигидир. Бундай турдаги курилишларнинг бошланиши узимизнинг кварталлардан бошланган.

Кейинги туримиз каторига катор турдаги жойлашган тураржойлар. Бунда биз Афина хариталарида хам куришимиз мумкин.

Совет даврида бундай турдаги уйлар 20 йилдан бери курилиб келинмокда.

Чет элларда бундай турдаги уйларни 70 йилларгача куллаб келишган.

Бундай уйларни камчилиги хам бор, улардан бири шовкинни катта таъсири, яъни уйлар кучага бутун олд томони билан жойлашади. Бундан ташкари бундай курилишлар шахарни индивидуал куринишга таъсир килади.

«Группали» курилишлар 70 йиллардан бошлаб кулланилган, бу переметрал турни урнини босиш учун кулланилган. Буларни группа-группа килиб хар хил геометрик шаклларда куллашиши мумкин.

«Сетка» типидаги курилишлар.

Булар асосан купхонали уйларни бирдан то туртгача булган блокированный, секционный, коридорный ва галлерийный типлардан ташкил топган. Ички ховлилар рекрация вазифасини бажаради.

«Гилам» туридаги курилишлар.

Улар бир-икки каватли блок-квартирали уйлардан ташкил топиб, ховлисига хам эга булади.

«Гилам» туридаги уйлар тугри геометрик шакллардан ташкил топган. Мисол : «Г» шаклида.

Кишлок жойлари учун биз томорка типидаги турар жой биноларини келтиришимиз мумкин.

## КВАРТИРАЛАРНИНИНГ МЕЪМОРИЙ ФАЗОВИЙ СТРУКТУРАСИ. ХОНА ИНТЕРЬЕРИНИНГ АСОСИ.

Квартираларни лойихалаштираётганда уларни функционал ва бадиий томонларига, хамда инсоннинг яшашига кулай курилади. Инсон талаб эхтиёжларига караб хона интерьери узгариб боради. Меъморчиликда интерьер лойихаси оддий ечимга эга килиб берилади. Лекин уни хаётга тадбикида унга жуда катта эътибор берилиб хар бир жойига эътибор берилиб ишланади. Хонада композицион мухитни ташкил килинади.

Меъмор бу шароитда узини жуда эркин хис кила олмайди. Чунки у конкрет бинода, конкрет пайдо булади. Иклим минтакасини инобатга олмасдан меъморнинг хеч иложи йук.

## ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИ КОМПОЗИЦИОН ЕЧИМИГА ИКЛИМ ШАРОИТИНИ ТАЪСИРИ. КВАРТИРА ВА ИКЛИМ.

Амалиётни умумийлаштириш, тадбики курилишда, уларни хар томонлама урганиб чикишлар аник иклим шароитига ишлаб чикилган курсатмалар мавжуд.

«Яшаш шароитининг меъморий иклимий классификацияси» ишлаб чикилган.

Булар СниП талаблари доирасида ишлаб чикилган. Бу классификацияда уйлар ва квартиралар бир канча градацияга булинади. Жуда компакт уйларда то очикларигача.

Турт эксплуатацион режим мавжуддир: берк, ёпик, узгарувчан ва очик.

Бундан ташкари классификацияда куёш нурини талабдан юкори булган даражада зарарли нурларидан химоя, шамолдан химоя, кордан, ганч шамолларидан ва бошкаларни эътиборга олинади.

Совук иклим минтакаларида яшаш ячейкаларини совук иклимдан, хонани совиб кетишидан химоя инобатга олинади.

Уларнинг хос томонлари.

Ташки девор кисмини тенденциясини камайтириш ва хоналарни иложи борича ичкарига жойлаштиришдир. Шу билан иссиклик йуколиши камаяди. Совук шамолдан кучли буладиган зоналарда шамолдан химоя воситалари кулланилади. Квартиралар бундай гидроитларда бир томонга караган булади. Яъни химояланган ва куёш куп тушадиган томонга каратилгандир. Унинг полдпн полгача баландлиги 3 м килиб олинади.

Ошхонани 9 м2 дан кам олинмайди. Кушимча хоналарнинг куп булиши максадга мувофикдир.

Ечимга ёзги хоналарни хам инобатга олиш керак, чунки куёш нури хаёт учун зарурдир. Шимолда квартираларни 2 ва 3 уровенларда булиши яхши. Ташки мухитни кабул килиш панорамаси кенг булиши керак.

Иссик иклимга мойил районларда (3-район) шамолатиладиган ёки бурчакдан шамолатиладиган хоналар булиши керак. Уйлар жуда компакт жойлаштирилади. Яшаш яъни мехмонхона, ётокхона шамолдан химояланган томонда ва кушимча хоналар шамол томонида булиши мумкин. Хонани исиб кетишини олдини олиш учун ёруглик тушадиган очик жойларни камрок булиши керак. Шамол эсадиган томонда яасад содда булади. Ётокхоналар ховлининг тинч томонига караган булмоги зарур.

Умумий талаблардан энг асосийси, исиск иклим шароитида хонани хаддан ташкари исиб кетмаслиги. Хонага кушимча ёзги хоналар килиш лозим ва уларни иложи булса беркитиб туриш мумкин булган килиб режалаштирилади. Чунки кишда совук тушиши инобатга олиниши зарур.

Хар кандай сезонда бундай хоналарда яшаш кулай булиши керак.

Уртача иклим минтакаларида хар бир шароитни кулай фойдаланишини таъминлаш лозим.

Бундай минтакаларда ярим очик квартиралар кулайдир. Чунки куннинг исик пайтида ёпик туради ва куёш кайтганда очиш мумкин булади. Бу ерда очик ва ярим очик композициялардан фойдаланиш мумкин.

Куп каватли биноларда лоджиялар булади, ёки холлар билан кираверишхоналарига мослаштирилади.

«Яшил хоналарни» мехмонхона ва ошхона якинрок жойда булади.

Шамоллатиш схемаси киска йуналишдан утиши керак.

Иссик курук иклим минтакаларида яшаш жуда нокулай, кийин. Чунки чанг шамоллари ва кум шамоллари куп булади. Хавонинг чангиши юкори. Ташки деворнинг периметрини камайтириш эвазига иссик хаво таъсиридан химояланиш мумкин. Хоналарнинг ичкарига жойлашиши унинг исиб кетмаслигини таъминлайди. Горизонтал вертикаль шамоллатиш мосламаларидан фойдаланилади. Ёки вентиляция шахталаридан фойдаланилади.

Кам каватли биноларда ички ёзги ховлилар ёки сув мавжуд булиши мумкин. Энг кулайи урта квадрат ховли атрофида жойлаштирилган хоналардир. Дам олиш хоналарини ёзги хоналарни шимолга ва ётокхоналарни эса жанубга каратмок керак.

Иссик кам иклим минтакаларида эса яъни юкори температурали, юкори намлик бутун ёз давом этиши, ёмгир ва селларни булиши узига хос ечиммни талаб килади.

Бундай шароитда хонанинг туриб колиши инсонга нокулайлик яратади. Хоналарни исиб кетишини олдини олиш билан бир каторда хар бир хонани шамоллатишини таъминлаш зарур. Яъни очик ёзги хоналарнинг мавжуд булиши зарур.

Бинони шамол йуналишига перпендикуляр жойлаштирилади. Деразаларни шамол томонида 1,5 баробар каттарок килинади.

Шамол эсмайдиган томонда кичикрок чунки бу шамол тезлигини оширади. Ошхона ва сан узелларга алохида вентиляция килиш лозим. Хид урмаслиги учун. Бу талаблар индивидуал, блокированный, галерийный, ва секционный типларда кулланилади.

Шундай килиб, асос килиб архитектуравий ечимни олаётганда биз доимо шу курилаётган бинонинг иклим шароитидан ва жойлашишидан келиб чикишимиз лозим ва бинонинг типини ахамиятга олмок лозим.

## БАЛАНД КАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОМПОЗИЦИЯЛАРИДА КОНСТРУКТИВ УЗИГА ХОСЛИКЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ.

Бинонинг конструктив узига хосликларини меъморлар хар доим бинонинг бадиий куринишини аниклаш учун курсатган ва ишлатганлар. Бу конструктив ва курилиш элементлари билан ишлаш янги меъморий ва композицион ечимларга олиб келар эди. Кадимги Рим меъморчилик асарларида аркаларни ва катта масофаларни ёпа олувчи гумбазларнинг ишлатилишини, асосий уша давр композицион ечим усулларига айланган эди.

XIX асрда темирбетонни яратилиши XX аср меъморчилигида кетма-кет ва оммавий курилишлар, (курилиш ва конструктив элементларни ясашни узига хос индустриал йуналишга асосланган холда) га сабаб булди.

Хозирги замон курилишида, умуман, турар уй бинолари ёки бошка бинолар, курилиш ашёларини тайёрлаш технологияси-асосий мазмун булиб колди. Хозирда меъморий ва бадиий саволларни ечишда, асосий сабаб канчалик ва канча тез завод худудида курилиш махсулотларни ишлаб чикаришга такалиб колмокда. Хозирги замон технологияси, курилишда, бадиий ечимларда ва меъморликда анча янгиликлар ва кулайликлар олиб кириш мумкин.

Ушбу ишларни яхши йусинда олиб бориш учун меъмор, конструктор ва технологларнинг хамжихатлик билан олиб борилиши зарур.

Биноларнинг ташки бадиий куринишига ва меъморрий ечимларига таъсир килмайдиган элементларни камайтириб, улар урнига майда бинонинг пластикасини кучайтирувчи элементларни ишлаб чикаришга катта ахамият берилиши лозим.

Индустриал курилиш махсулотларини ишлатилиши, баланд каватли биноларда тектоник узига хосликларни меъморий ечимларни бойитишга халакит берар эди.

Баланд каватли биноларнинг асосий огирлик кутарувчи конструкциалари, асосан ташки панелларни оркасида колиб кетар эди. Инсон огирлик кутарувчи ёки огирлик кутармайдиган, тусиб турадиган панеллар тектоник хоссаларини худди бир пардадек хис килишади.

Тектоник хоссаларни ифода этишда ташки панелларни узунликлари ва куринишлари катта роль уйнайди.

Хозирда асосан бир хона учун туртбурчак шаклидаги уртасида ойна учун тешик булган панеллар куп ишлатилади. Панелларнинг бино ташки куринишида бундай куйилиши бинони энига ва буйига улоклар хосил килади. Бундан ташкари буйига бинолари майдарок булиши хам ишлатилинади, бунда горизонтал чизиклар подококник тагидан ва ойнанингтепа кисмидан утади. Бунда узига хос тектоник расм хосил булади. Турар уй бинолари контруктив ва тектоник элементларни бинонинг ташки куринишига олиб чикилиши унча куп эмас.

Бунга мисол килиб, Москвадаги Ленинград проспектидаги турар уй биносини курсатишимиз мумкин. Бу ерда катта-катта блокларни тектоник хоссаларини, бинонинг ташки куринишида курлиш материали сифатида ишлатилинишини куришимиз мумкин. Блокларни киркилиши – уларни конструктивустун-тусин системасида ишлатилишига имкон беради. Конструктив аниклик ва соддалик бино ташки курнишни бадиий бойитишга олиб келди.

Ташки панеллар ортига куйилган узунасига деворлар баъзи бир турар уй типлари учун асосий композицион асос хисобланади.

Бу конструктив элементларнинг очилиб туришига мисол килиб, биз, террасса типидаги турар уйларини курсатишимиз мумкин. Уларнинг асосий йуналиши узунасига жойлашган юк кутарувчи деворлардир. Буларга мисол килиб Бохум ва Мюнхен (ГФР) да курилган терраса типидаги биноларни мисол кила олиш мумкин.

Буйига жойлашган юк кутарувчи деворлар, устки ёпмалар билан билан кесишиб, туртбурчак шаклидаги ураб чикиши чизикларини хосил килади. Бу конструкция бинонинг бадиий ечилими (ташки куринишдаги) сифатида кабул килинади.

Куп йуналишда ишлатилинувчи комплекс – уй Джон Хинкок – центрда, ташки куриниш бутасимон темирбетон конструкция усулида ечилган, бу эса, бинонинг шамолга карши каршилигини кучайтириш учун бу осмонупар, юз каватли бинода ишлатилиниши жуда зарурдир.

Бинонинг тепа кисмига кутарилган сари горизонтал чизиклар орасидаги камайиш, бинонинг катта хажмига карамасдан, бу бинога енгиллик бахш этади. Бинонинг конструкцияси бадиий ечим деб хисобланади.

Ишхоналар учун мулжалланган ун саккиз каватли «Башня Прайс» (меъмор Франк Ллойд Райта) бинонинг курилишиг асосий сабабчи булиб, уша даврда амалга оширилмаган «Авлиё Марк башняси» деб номланувчи бино тархи эди. Бу ерда конструктив асос булиб, туртта бир-бири билан кесишиб утувчи пилон ва уларга тиралиб турувчи учбурчак шаклидаги том ёпмаларидир. Бу усулдан фойдаланиб меъмор Райт пилонлар орасидаги жойни туртбурчак шаклигача тулдирда ва у ерга икки каватли хонадонлар жойлаштирди.

Бинонинг бундай конструктив ечими, бино ташки куринишда хар хил турдаги панелларни ишлатилишига олиб келди. Пилонлар эса биринчи каватда катта бушлик хосил килиб бинонинг тепа кисмида тугайди.

Бинонинг конструктив мустахкамлигини хис килиш, архитектуравий композицион ечими учун, турар жой уй бинолари буйича лойихаланган Токио бугозини кесиб утувчи, меъмор Кензо Танге томонидан лойихаланган бинода куринишимиз мумкин.

Баланд каватли биноларни куришда, айникса турар жой биноларини куришда монолит темирбетонни ишлатилиши, янги пластик ечимларга олиб келади, биноларнинг хажми, тархи ва ташки куринишларида янгиликларни киритишга олиб келади.

Бу ерда курсатилган мисолларда, канчалик хозирги замон курилиш материаллари ва конструктив ечимлар биноларнинг, айникса куп каватли турар жой биноларида бадиийликни кучайтиришга ва меъморий ва конструктив ечимларни кучайтиришга олиб келади ва улар билан узвий богликдир.

Хозирги замон турар жой уйларини ва улар атрофидаги мухитни лойихаланаётганда, нафакат «ягона» турувчи баланд каватли бино, балки бутун бир турар жой ансамблини лойихалашимиз керак. Шахар – бу ривожланаётган организм, узида лойихалаш структураси мужассам килган, тор ва очик, катта ва кичик, очик ва ёпик жойлардир. Бу системада кучалар, кукаламзорлаштирилган кисмлар, хиёбон ва майдонлар хам бордир. Шахарни асосий лойихалаш материали деб турар жой уйларини хисоблаш мумкин. Одамларни кам жойга иложи борича купрок жойлаштириш, биноларни куп каватли булишига олиб келади.

Шахарни нормал меъморий лойихаси.

Транспорт ва пешеход кучалари, маданий, маиший ва административ курилмалар билан чегараланади.

Шахарсозлик нуктаи назаридан, турар жой бинолари мажмуасини лойихаланаётган, асосий муаммо, бу биноларнинг неча

каватли булишини танлаш ва уларни керакли жойда тугри ишлата билишдир.

Турар жой биноларини баландлигини танлаётганда, нафакат турар жой биноси иктисодиётини балки еридан фойдаланиш иктисодиёти, чунки унинг нархидан, ер ости йуллари ва кукаламзорлаштириш келиб чикади.

Психологик яшаш кулайлиги хам биноларни лойихалаётганда жуда зарур. Агарда биноларни хаммаси баланд каватлик (16-9 каватлик) булса, бунда инсонни психологияси узгаради, нафакат бинолар орасида юрганда, балки шу биноларни ичида хам. Текширувлар курсатдик 12 каватдан юкори яшаётган одамларда купрок куркинч, лифтдан фойдаланиш нокулайликлари, бош огриги ва чайкалиши сезилган. Биринчидан биз одамларни купрок жойлаштириш учун бино баландлигини кутаришимиз зарур, иккинчи томондан уларни камайтиришга интилиш керак. Бундай вазиятдан чикиб кетиш учун, биз хар хил каватлик бинолардан фойдаланганимиз маъкулрокдир.

Бундай усул биноларнинг копозицион ечимида хам яхши томонларга ва кулайликларга олиб келади.

Турар уй биноларининг баландликларини хар хил булиши бу фазовий ечимни аниклигини олиб келади. Бу бизга хар хил каватдаги бинолар оркали бош ва орка элементларни аниклашга, композициянинг асосий куринишларини аниклашга ёрдам беради.

Хозирги замон меъморчилиги амалиётидан биз купгина (5-9-12-16 каватли бинолар билан курилган композициялар) мисоллар куришимиз мумкин: Шимолий Чертановодаги турар жой мавзеси (Москва), Горкийдаги ЭЖК, Лоздинай турар жой мажмуаси ва Минскнинг янги курилган кисмлари.

Баланд каватли бинолар тугалланган композиция хосил килишлари керак, улар бир туп баланд каватли бинолар булиши керак эмас. Турар жой биноси, узининг улчамлари, пластикаси, ранги буйича атрофдаги бор композиция билан уйгунлашиб, «бирлик»ни хосил килиши керак. Биноларни лойихаланаётганда асосий энг баланд каватли доминант бинони ориентир сифатида жойлаштира билиши зарур.

Фазовий ечимга нисбатан масштаблилик, пропорция, ритмика ва композиция хал килиниши керак.

Асосий лойихалаш композицияси деб, межмагистрал кучалар орасида, асосан биз йуловчилар йуллари ва уларнинг йуналишларини айтишимиз мумкин. Уларни вазифаси энг кулай ва тез ва энг кичик йул билан турар жой биносини, транспорт тухташ жойи, хизмат курсатиш бинолари, дам олиш ва спортмайднчалари билан боглашдир. Бунда улар болалар ва кариялар дам олиш жойлари, спорт майдончаларини кесб утмасликлари зарур.

Йуловчилар кучалари тор, шинам, утириш учун уриндиклари билан, ёки катта хиёбон, атрофида бинолар билан уралиб турувчи булиши мумкин.

Катта магистрал транспорт йулларининг ритм ва масштаби, кандай турар уй ёки шовкиндан химоя килиш функциясига караб, хар доим одам буйига нисбатан олиниши керак. Чет давлатларда турар жой биноларини куришни кетма-кетлиги асосий роль уйнайди. Купинча турар жой бинолари бошка вазифадаги бинолар билан кушилиб кетади. Асос булиб хар доим транспорт ва йуловчилар кучаси хисобланади. Йуловчилар йуллар лойихасини ечимлари жуда куп : ёпилган фазолар ва тура жой бинолари орасида тор йуловчи кучалари, транспорт йулларидан анча узоклашган йуловчи кучалари, то жуда урбанизациялаштирилган территориялардан тортиб, купинча асосий транспорт йуналишлари, асосан йуловчилар фазоси остида жойлашган, ва факатгина айрим холларда у билан кесишиб, паркинглар хосил килади.

Гренболь Эшеролб (Франция) мавзесидаги Арлекин худудида тухталмас йуловчилар кучаси хосил килинган, у маъмурий маиший марказдан бошланиб, транспорт йуллари устидан ва мавзега кириши билан туроар жой биноларини 1-2 каватларини (15-17 каватли бинолар) эгаллайди. Бундай система пешеход йуналишларини хеч бузмайди ва шахарнинг яхлит структурасига халакит бермайди. Европа меъморчилигида асосий йуналиш килиб «ер, замин меъморчилиги» олишган. Атроф-мухитни ландшафтини хосил килиш учун , ердан хар хил турдаги тошлар, ернинг нотекислиги хизмат килади. Бундай бадиий ечимлар, янги кушимча масштаб, турар жой биноларини табиат билан боглаш учун хизмат килади, бунда яна кукаламзорлар, тепалик ва тошлар, сув хам асосий роль уйнайди.

Турар жой бинолари композицияларини ечимида, баландлик ва нисбати, ритм ва масштаблик, узига хос мухитини хосил килади, у одам хаёти ва фаолиятида асосий роль уйнайди. Шахар узида жуда катта маъсулиятни хосил килади: маданият, атрофдан иложи борича купрок информация олиш, ана шунда меъморчилик жуда зарур. Бунга, турар жой биноларига ичига, улар мухитларига табиатни олиб кирилиши, турар жой биноларини баландликлари нисбати ва улар орасида хосил булган ховлилар, куча ва майдонлардир, улар хаммаси инсонни транспорт шовкинидан ва психологик босикликдан халос килишлари зарур.

Турар жой мухити хозирги замонавий шахар ишлаб чикараётган нотугри ва номакбул, зарар куринишлардан асраши керак.

# МАКТАБГАЧА УКУВ МУАССАСАЛАРИ БИНОЛАРИ КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ ЕЧИМЛАРИ.

Мактабгача укув муассасаларининг хар хил турлари мавжуд: ясли, болалар богчаси, бирлаштирилган болалар богчаси – ясли умумий типдаги: махсус болалар богчаси – мавсумий, шахар ташкарисидаги, согломлаштириш, ёзги дача типидаги ва бошкалар.

Биз купрок кулланиладиган ва куп куриладиган умумий типдаги болалар богчаси тугрисида тухталамиз.

Эксплуатация вактига караб умумий типдаги болалар богчалари-кундузги – бунда болалар кунига 10-12 соатдан богчада колишади.

Хафталик ёки кун буйилик – бунда болалар олти кун (бир хафтада) богчада колишади.

Кушилган ёки кисман хафталик – бунда болаларнинг бир кисми хафта давомида олти кун богчада колишади. Бундай булиниши болаларнинг богчада канча вакт колишларига караб белгиланади.

Сигимига караб болалар богчалари куйидаги турларга булинади:

Кичик – бунда биттадан учтагача группа булиши мумкин.

Урта – турттадан олтитагача группа.

Катта – еттидан бошлаб ундан юкори.

Сигими ясли группаларда 20 уринли, болалар богчаларида 25 уринли булиши мумкин.

Мактабгача укув муассасаларини биноларини иложи борича яшаш жойларига якинлаштириш ва ота-оналарга кулайликлар яратиш максадида курлиш ишлари типовой проект бир типдаги (лойиха) буйича амалга ошириш кузда тутилган.

Шахар типидаги турар жой зоналарида, уртача каватлилик 4-5 этаж булган жойларда, болалар богчалари 6 ва 12 группали курилади. Бу микрорайонда 2 ва 4 минг ахоли туради деб тахмин килиб олинганда.

Болалар богчаларини айрим, якка холда турган бинода жойлаштириш тавсия этилади.

Болалар богчаларини хисоб китобини килганда, уларни сонини аниклаш учун норма буйича хисобланади.

30-40 урин, яслиларда 1 минг киши. 40-50 урин, болалар богчаларида 1 минг киши.

Кишлок жойларида 50% гача хисоб китоб буйича, мавсумий мактабгача укув муассасалари етиши мумкин, факат ёзги даврда эксплуатацияга мулжалланган булса.

Мактабгача укув муассасаларини турар жой кварталларида жойлаштираётганимизда, уларнинг хизмат курсатиш имконият радиуслари, ясли ёшидаги болалар учун 200-400м, болалар богчаси учун 300-500 м дан ошмаслиги керак.

Кундузги мактабгача укув муассасалари биноларининг хизмат курсатиш радиуслари микрорайон чегараларидан ёки турар жой чегараларидан, чикмаслиги керак. Улар магистрал кучалар билан чегараланган булса, ундан ташкарига чикиш мумкин эмас.

Район марказида жойлашганини муассасаларни кулай турдаги деб тавсия этилади.

Мактабгача укув муассасалари биноларнинг йуллари, хужалик коммуникациялари билан яъни дукон йулак, ахлатхоналар ва бошка йуллар билан туташмаслиги лозим.

Болалар богчаларини участкаларини турар жой ховлиларида жойлаштириш ман этилади.

Болалар хоналари – шимолий, ёзги хона ва ошхоналар хам шимолий уйин хоналари ва овкатланиш хоналарининг оптимал ориентациялари эса жанубий. Бундай жойланув энг кулай хисобланади.

Болалар богчалари шундай жойлашиши керакки, улар яхши хаво алмашиниши имкониятига эга булишлари керак. Инсоляция хам яхши булиши керак, ёзги – кузги мавсумда кунига камида 5 соат.

Хар бир болалар богчаси ёки ясли узининг ер участкасига эга булиши керак.

Уларнинг улчамлари бир жой учун: 35м2 яслида 80 урнгача, 25 м2 яслида 80 уриндан юкори, 40 м2 болалар богчасида 100 урингача, 35 м2 болалар богчасида 100 уриндан куп ва 35 – 40 м2 куйилган болалар богчаларида ва яслида.

Мактабгача укув муассасалари участкалари: болалар майдончаси, хужалик ховлиси ва яшил зонадан иборат булиши мумкин.

Хар бир болалар группаларига алохида участка ташкил килинади ясли группалари учун – 100 м2, богча болалари группалари учун 15 м2.

## БОЛАЛАР БОГЧАЛАРИ ВА ЯСЛИЛАРНИНГ МЕЪМОРИЙ КОМПОЗИЦИОН ЕЧИМЛАРИ.

Булар 2та группа хоналаридан иборат булади.

А) Болалар группа хоналари.

Б) Администрация-хужалик хоналари, мусика ва физкультура уйинлар хонаси, изолятор ёки бемор болалар хонаси.

Богчада болалар биринчи булиб, кабул хонасига ёки ечиниш хонасига киришади.

Кабул хонадан кейин бола уйинхонаси ёки овкатланиш хонасига киради. Майдони яслиларда 50 м2 ёки богчаларда 62 м2.

Уйин ёки овкатланиш хоналари мактабгача укув муассасаларида асосий хоналар хисобланади. Чунки асосий вактларини купини шу ерда утказишади. Улар бу ерда уйнашади ва овкатланишади. Агар ёзги хона булмаса, бу ерда болалар кундузи ухлашади.

Уйин ва овкатланиш хоналарга ёки группавой хоналари, буфет ва хожатхоналар туташган булмоги зарур.

Кундузи болаларнинг ухлашлари учун хоналар таркибига, яслиларда иситилмайдиган ёзги хона киритилади 30 м2. Кунбуйи ишлайдиган болалар богчаларида ёзги хона майдони 50 м2 ташкил этади. Асосий талаблардан бири, яъни лойиха килаётганда шунга эътибор бериш лозимки группаларни бир биридан изоляция килиш ва улар, хар бир группа алохида комплекс булиб ишлаши керак. Уларга алохида кириш жойи булиши керак. Мусика ва физкультура заллари, уйин заллари 75 м2 олинади ва хохлаган этажга жойлаштириш мумкин.

Тепада айтиб утилган талаблардан ташкари, болалар богчаларига ва яслилар архитектура лойихасига уларнинг неча каватлигига катта таъсир килади.

Функционал ва технологик талабларни лойихалашга булган катъийлиги, богчагача булган муассасалар биноларини хажмий-композицион тузилишга каттик таъсир курсатади.

Мактабгача укув муассасалари биноларининг композицион схемалари уч турга булинади:

1. Марказий. Битта бинода хамма хоналар жуда ихчам жойлаштирилади.
2. Блокли. Хоналар бир неча блокларда жойлаштирилади ва улар узаро ёпик йулаклар билан богланади.
3. Повелёнли. Хоналар алохида турувчи биноларда жойлаштирилади.

Бундай биноларни бир ёки икки каватли килиб куриш кулай, ундан юкориси эксплуатация килиш учун нокулайдир.

Бир каватли биноларда алохида кириш жойлари килиш мумкин ва группаларни участкалар билан киска ва оддий килиб боглаш мумкин.

Икки каватли килиб курилган биноларда ер ва бошка нарсалар иктисод килинади.

Куп таркалган композицион турларга марказий типи киради:

Лойихада ечими ихчам булади, курилиш майдони кичикрок, деворлари, фундаментлари ихчам, санитар – техник коммуникациялари тежам, шунинг учун бундай тип жуда кулай ва арзон курилиш хисобланади.

Блокли ва посильонли турлари эса жанубий районларда кулланишга кулай. Бундай районларда хужалик хоналарини, яъни ошхона ва кир ювиш хоналариниалохида жойлаштириш керак. Болалар группалари билан бу хоналарни иситилмайдиган ёки очик утиш жойлари билан боглаш мумкин. Композициянинг бундай усули айникса Республикамизнинг сейсмик шароитларида ва тоглик жойларида куллаш зарур.

Мактабгача укув муассасалари биноларнинг архитектура ечимлари, бу бинонинг турар жой бинолари билан жойлашуви, яшил зонада булишини талаб килади. Хар хил кичкина архитектура формаларидан, тентлардан, панжаралардан, очик террасалардан, балконлардан ва вертикал кукаламзорлашдан фойдаланиш мумкин.

Композицион схеманинг марказий типи группавой хоналарнинг умумий хоналар билан богланиши жуда яхши.авзаллик томонлари: конструкция кам сарфланади, иситиш тармоклари сарфлари кам, богланиш яхши.

Камчилик томонларидан: ориентация имкониятлари кам, хоналарни шамоллатиш(вентиляция) имконияти камрок.

Блокли типларда утиш жойлари ёпик, группаларни блокларга ажратиш мумкин.

Ёпик томонлари: территория купайиб кетади, коммуникация кимматга тушади, коэффицент компостности $К_3$ купайиб кетади.

Павильонни типларда утиш жойлари очик, ориентация имконияти яхши. Айникса хужалик хоналарини группалардан узокрок, яъни ажратиш имкониятини беради. Бу айникса Узбекистоннинг иклим шароитида зарур.

Интерьерга ва жихозлашга куйиладиган талаблар куйидагилардан иборат:

- санитар – гигиеник шароитини яхши булишлиги:
- болаларга хизмат курсатишнинг кулай булиши, персонал ишлашига кулайлик булиши,
- бадиий меъморий томони юкори булиши.
- Болалар муассасалари катта кириш жойларга мухтож эмас:

Улар кичикрок хоналардан группаларга, ячейкаларга киритилади.

Болалар хоналари ёруг, ориентацияси яхши булиши керак. Улар сквозной ёки бурчакдан шамоллатиш имкониятига эга булиши керак.

Уйин хоналари шинам булиши, уларда керакли мебель ва жихозлар булиши керак. Лекин куп нарсалар тикилиб колмаслиги

керак. Бу болалар уйнашига ва уларни назорат килишга халакит бериши мумкин. Мебель болаларнинг буйларига мос булиши керак. Мебелларнинг уткир кирралари булмаслиги керак ва улар чиройли безатилган булиши керак.

Хонага ёруглик купрок тушиши учун деразаларни каттарок килинади.

Хонани хар хил чиройли расмлар билан безаш мумкин.

Болалар уйнайдиган ва овкатланадиган хоналарини алохида тозалигига эътибор бермок лозим.

Бу хоналарни доимо шамоллатиб, уларни хар хил микрорайонлардандизинфекция килмок керак.

Булар хаммаси 7 ёшгача болаларга мулжалланган.

Классификациялари:

1. Умумий (оддий) $1^{30}$ – $8^{00}$ дан $17^{00}$ гача.

Булар микрорайон, квартал, махаллаларга жойлашади.

Уларнинг хизмат курсатиш радиуслари 300-400м.

2. Хафталик. Бир хафтада 6 кун булади. Асосан заводларга, фабрикаларга тегишли булади. Улар очик жойларга, кукаламзорлаштирилган, тоза, ободонлашган жойларда курилади.

3. Махсус. Бу ерда касал болалар даволанадилар. Куп вакт шу ерда колиб даволанадилар (длительный).

Купинча чет жойларда , сувли, тоза хаволи жойларда курилади.

Бундай муассасалар асосан корхоналар томонидан лойихалаштирилади ва курилади.

## УМУМИЙ ОВКАТЛАНИШ ИНШОАТЛАРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ.

Умумий овкатланиш дам олиш ва хордик чикариш учун кулайликлар яратиб беради. Бу якка дам олиш, оммавий байрамлар, дустлар билан учрашувлар. Бу ерда хордик чикариш учун турли хилдаги мусика, танца, эстрада, шинам хизмат курсатиш, турли хил ва сифатли овкатлар турлари, узининг пишириш усталиги билан ва санитар-гигиеник талабларга тулик жавоб бериш керак.

Умумий овкатланиш иншоатлар мажмуасини янада бойитиш, шинам хизмат курсатиш хисобига амалга оширилади.

Янги курилаётган шахарлар яшаш, коммунал-омборлар саклаш, транспорт, дам олиш ва саноат кисмларга булинади. Улар лойихаланётганда уларни уша район узига хосликларини, шу ерда яшовчи ахоли сони ва таркиби, уларнинг пул топиши ва купгина бошка факторлар, шу билан одамлар яшаш жойларида умумий овкатланиш иншоатлари очик ва ёпик турга булинади.

Ёпик турга бу саноат корхоналаридаги, мактаб, укитиш, богча, ясли, санитар- даволаш иншоатларидаги умумий овкатланиш иншоатлари киради.

Очик турга яшаш жойи буйича шахар худудидаги умумий овкатланиш иншоатлари киради. (шахар маъмурий – маиший марказларида, мехмонхона, катта кучаларда).

Агарда ёпик турдаги умумий овкатланиш корхоналари олдиндан хисобланган маълум одамлар учун хизмат курсатишга мулжалланган булса, у холда ёпик турдаги фаркли очик турдагиси эса умуминсонлар учун, унинг узига хосликлари ва кийинчиликлари мавжуд.

Иншоатлар турлари. Умумий овкатланиш корхоналарини турлари очик турга кирувчи корхоналар мажмуасидан таркиб топган ва хизмат курсатишга караб турли хилларга булинади.

- Загатовка тайёрлаш (иншоатлари), бу ерда улар биринчи хом – ашъёдан тайёр махсулот ишлаб чикарилади, улар купгина загатовка тайёрлаш корхоналарининг кувватига боглик. Уларга яримфабрикат комбинатлари, фабрика-ошхона-загатовка тайёрлаш ва ишлаб чикаришга ихтисослашган цехлар. Асосан бу йирик механизациялаштирлган комбинатлар, улар, гушт, балик ва сабзавотлардан яримфабрикат ишлаб чикаришга мулжалланган.

- Доготовка тайёрлашг корхоналари, улар асосан яримфабрикатларни тайёрлаш буйича, хизмат курсатиш буйича, узига хосликлари буйича, функционал мулжалланганлигига караб ошхона, кофе, ресторан, махсус кофе, тез тамадди килиш ва хар хил турдаги барларга булинади.

Ошхона – энг куп таркалган умумий овкатланиш корхоналари. Унда жуда куп талабга эга булган овкатлар тайёрланади, ундан ташкари нонушта, кундузги ва кечки овкатлар хам тайёрланади. Уларнинг ассортиментларида иссик ва совук таомлар, иссик ва совук ичимликлар, нон ва нон махсулотлари, кондитер ва сут махсулотлари сотилади. Улар хар инсон уз-узига хизмат курсатиши билан ажралиб туради.

Кечки пайтлар ошхоналар ёшлар учун кафе сифатида хизмат курсатиш билан ишлатилиниши мумкин. Улар одам кетиши буйича 50, 100, 150, 200, 250, 300, 400 ва 500 уринли булиши мумкин.

Курортларда, одамлар куп дам оладиган зоналарда улар 500, 700 ва 1000 уринли булиши мумкин.

Ресторан – тепа турдаги яъни юкори турдаги хизмат курсатиш умумий овкатланиш корхонасидир. Одамларга кундузи ва кечки пайт, узининг иссик ва совук таомлари билан (факат индивидуал заказ буйича тайёрланади) хизмат курсатади. У ерда ошхонага нисбатан

шинам дам олиш жойи ва хизмат курсатиш, сервировканинг юкорилиги, мусикали ва эстрада чикишлари, уйинлари билан ажралиб туради. Ресторанлар 100, 200, 150, 250, 300, 400 ва 500 уринли булиши мумкин.

Катта кулай хизмат курсатиш уз-узидан меъморий-декоратив ички ечимларни бойлигига олиб келади.

Кафе – хурандаларга тез тайёр буладиган иссик ва совук таомларни тайёрлаб беради. Улар асосан яримфабрикатларда ишлайди. Кафелар уч хил типда булади. 1-турдаги хизмат курсатиш (официентлар) бор, 2-3 турларида факат уз-узига хизмат курсатишдир. Кафеларнинг бошка тури ва кафетерийларда, улар ассортементида, иссик ва совук закускалар, иккинчи таомлар булиди. Бу ерда овкатни ейиш тик холда турганда амалга оширилади. Бу ерда столлар баландлиги жуда баланд.

Кафелар 25, 50, 75, 100, 150, 200, 250, 300 ва 400 уринли булиши мумкин. Кафелар асосан турли хилдаги, турли социал жойлашган инсонлар учун мулжалланган.

Ишлаб чикариш таомларига караб кафелар махсус булиши мумкин.

Кафе-кондитер, кафе-музкаймок, болалар учун кафелардир.

Кафе-кондитер – бу ерда ассортиментда иссик ичимликлар ва унли кондитер, нон ва нон махсулотлардир. Улар узи-узига хизмат курсатиш принципи буйича ишлашади. Улар 50, 75 ва 100 уринли булади.

Кафе – мороженное – бу ерда асосан муз каймок, унинг бир неча хил турлари, мевалар ва минералли сувлар, ичимликлар (совук ва иссик) сотилади. Улар 25, 50, 75 ва 100 уринли булади. Ёзги пайтда куйишимча кучада ёки очик жойларда енгил стол – стуллар урнатилади.

Кафе – сут – бу ерда асосан сут ва ундан тайёрланган сутли ичимликлар, сут махсулотлар тайёрланади. Ундан ташкари мевалар, кондитер махсулотлари хам булади. Улар 50, 75, 100 ва 150 уринли булади. Асосан марказий кучаларда, транспорт тухташ жойларида ва дам олиш масканларида жойлаштирилади.

Болалар учун кафе – улар асосан болалар учун хизмат курсатади, бунда кондитер ва сут махсулотлари сотилади. Купинча болалар учун кичик стол ва стуллар билан жихозланади. Улар 50, 75 ва 100 уринли булади.

Амалиётда бар деган умумий овкатланиш корхонаси пайдо булди. Бу ресторannинг бир кисми сифатида, ёки якка узи, у ерда бар стойкаси мавжуд бу ердан керакли булган таом ва ичкиликлар берилади.

Бир хил турдаги барларда овкат тайёрлаш, хуррандаларни куз олдида булади, бу ерда бар олдида уз-узига хизмат курсатиш, бардан ташкарида стол-стулларда официантлар томонидан хизмат курсатилади.

Умумий овкатланиш корхоналарининг якка холда лойихаланиши, хуррандаларни кириб чикиши, ишлаб – чикариш ва таомларни тайёрлашга кулайликлар яратади. Улар бир неча турларга булинади.

Марказий планировка схемаси, бу ерда ишлаб чикариш ва хизмат курсатиш хоналари марказда жойлашган, овкатланиш зали унинг атрофида жойлаштирилган, бу схема бир неча овкатланиш залларини ташкил этишга жуда кулайдир. 200 уринли ресторанларга бу энг жуда кулай схемадир.

Фронтал – планировка схемаси, бу ерда бино параллел ук буйича икки кисмга булинган, олд томонида хизмат курсатиш зали, орка томонида хизмат курсатиш, тайёрлаш ва хизматчи хоналар жойлаштирилган. Бундай схема аник хуррандалар, официантлар, таомлар ва тайёр махсулотларнинг йуналишларини аниклаб беради. Бу ерда табиий ёруглик ечимлари жуда кулайдир. Бинонинг олди кисмида ёзги веранда жойлаштириш мумкин. Изланишлар шуни курсатдики 2-пролётли бир каватли биноларда 100 урингача жойлаштириш мумкин (фронтал схемада), 100 уриндан ортигини куп пролётли биноларда куллаш мумкин. Катта заллар йил мобайнида, сурилувчи деворлар, бокслар ёрдамида узгариши мумкин.

Ички схема бу ерда бино икки кисмга булинган, бир томонида зал иккинчисида хизмат курсатиш хоналари жойлаштирилган. Бу схемада овкатланиш залини четда жойлаштириб икки томонлама табиий ёруглик олиб кириш мумкин. Буни камчиликлари одамлар йуналиши билан кесишиб утиши, хизмат курсатиш фронтининг кичиклиги.

Бурчакли схема. Бу схема буйича турли хилдаги одамлар учун бир нечта заллар билан лойихалаш мумкин, лекин камчиликлари, кушимча ёзги жойлаштириш йуклиги, уларнинг овкат таркатиш жойидан узоклиги.

Булардан ташкари яъни Т – сифат, П ва Г сифат, аралаш схемалар кулланилади.

## СПОРТ ИНШОАТЛАРИ. УСТИ ЁПИК СПОРТ БАССЕЙНЛАРИ. УЛАРНИНГ КОМПОЗИЦИОН СХЕМАСИ.

Антик Юнонистонда спорт уйинлари одамларни хаёт ва турмуш тарзида жуда катта роль уйнаган эди. Юнонистоннинг диний шахар

булмиш Олимпияда эр. Авв. 776 йилда хар турт йилда утказиладиган Олимпия уйинларига асос солинди. Олимпия уйинлари ичида купгина атлетик уйинлар утказилар эди.

Йиллар утиши мобайнида Олимпия уйинларига янги уйинлар кушила берди. Бунга мисол килиб биз, сузиш, трамплиндан сувга сакраш, сув полоси ва купгина бошка уйин турларини кушишимиз мумкин. Олимпия уйинлари хар хил мамлакатда утказилар, бу уйинларни куриш учун, бутун дунёдан туристлар йигилишарди. Улар бу уйинларни куриш учун биринчидан сузиш буйича утказиладиган уйинлар учун махсус сув хавзалари ва томошабинлар шу уйинларни куриши учун трибуналар зарур эди. Бу узидан махсус усти ёпик турдаги бассейнларни куришни келтириб чикарди.

Бассейнлар бу махсус турдаги бинолар хисобланади. Бу ердаги асосий элементлар бассейн ва трибунадир, улар орасидаги узаро богликлик бинонинг умумий куринишини келтириб чикарди.

Ёпик турдаги бассейнларнинг асосий вазифаси – бу йил мобайнида тренеровка ва куриш учун кулай мухит яратиб беришдир.

Ёпик турдаги бассейнларда асосан шундай хоналар группалари мавжуд.

- томошабинлар ва спортсменлар учун кириш хоналари (улар бирга ёки алохида булиши мумкин) вестибюль, гардероб, хожатхона.
- Асосий зал чумилиш бассейни билан бирга.
- Спортсменлар учун хизмат курсатиш хоналари – «курук сузиш» учун махсус зал, ечиниш хоналари, душ ва хожатхонахона, массаж (силаш) хонаси, тиббий шохобча, инвентарь туриши учун махсус хона, куриниш хонаси, инструктор хонаси, метод.хона.
- Тамошабинларга хизмат курсатиш хоналари – кулуар, буфет, хожатхона.
- Маъмурий-маиший хоналар-бошлик хонаси, маиший кисм, укитиш кисми, регистратура, маълумотхона.
- Ёрдамчи хоналар – фильтрлар.
- Хлоратор хонаси,дизенфекция, лаборатория, устахона ва омборлар.

Бассейнларни лойихалаётганда бир-биридан ажралган икки йуналиш, кийинган спортсменлар ва сузиш кийимидаги спортсменлар учун.

Спортсменларнинг асосий йуналиши.

Вестибюль-ечиниш хонаси-регистратура-кийим кечак хонаси-махсус зал-бассейнга кириш олдидаги душ хоналари-бассейн.

Бассейндан чикиш учун худди шу, факат тескари йуналишда амалга оширилади.

Бино композицияси ташки очик спорт майдончалари билан богланишидадир. Бинони ёзда ишлатиш ва кулайликлари учун бассейн деворларини ойнали килиш кузда тутилган. Симметрик композицияда бинонинг тархини ички очик турдаги спорт машклари учун майдонча хам кириб кетиши мумкин. Бунга мисол Хоф ва Остерзун шахарларидаги бассейнлар.

Кишки ёпик турдаги бассейнни ёзги очик турдаги бассейн билан ёнма-ён жойланиши, йил буйи машклар утказиш учун, санитар-техник коммуникацияларни тугри ва фойдали ишлатиш учун, сувни иситиш учун ва фильтрлаш учун кулайликлар яратади. Бундай уйгунлик жуда чиройли меъморий ва фазовий композицияларни келтириб чикаради.

Капфенбергдаги стадион.

Хозирги даврда бассейнларни куриш ва лойихалашда асосан укув тренировка машклари ва беллашувлар учун мосланган турлари яратилмокда. Бунда кириш кисми асосан бош (торец) кисмида жойлаштирилади.

Катта бассейнли универсал хавзаси билан 50х20 м, трамплин ва сакраш учун вышка, томошабинлар учун трибуна куйидаги урта иктисодий курсаткичларга эга:

- куриш майдончаси – 3000 м2
- бинонинг хажми – 40000 м3

кичик бассейнли кичик хавзаси билан (25х25м) куриш майдончаси 1000 м2, бинонинг хажми 15000 м3 дир. Бинонинг устки ёпмалари учун асосан йигма, балконли ёки ракали темирбетон конструкциялари, бундан ташкари пластик темирбетон ёпмалари, кийшик ингичка деворли армоцементли йигма конструкциялар ишлатилади.

Хозирги даврда синтетик махсулотлардан хам устки ёпмалар куриш кузда тутилмокда.

Бинонинг асосий композицион ядроси бу асосий чумилиш зали, хавзаси билан бирга, сакраш, сув полоси учун ва томошабинлар учун трибуналардир.

Сув хавзаси (ваннаси) хар хил сакраш учун тепаликлар, трамплин, вышка (хар хил баландликдан сакраш учун, сувга кириш зиналари, йулларни бир-бирдан ажратиб турувчи пукак чизиклар, хар хил белгилар).

Чумилиш ва спорт бассейнларини ишлатиш буйича ванна бир неча хил турга булинади. Улар бир-биридан узининг улчамлари, жихозлари, бассейнни жойлаштириш профили ва унинг конструктив узига хосликлар билан ажралиб туради.

Бу жадвалда асосий габарит улчамлар, бассейнлар меъмор ва лойихалаштирувчилар томонидан кулланиладиган.

Сув хавзаларининг торец томонидан сув йуналишларини маркази буйича старт тумбалари (сувга сакраш учун) урнатилади, баландлиги сув хавзасида 0,75 м. Тумбанинг усти рифлли юзали, 15* киялик билан, сув томонга, булади. Тумбанинг тархидаги улчамлари 0,5х0,5м.

Сув ваннасининг атрофи буйича юриш учун жойлар, йулаклар колдирилади, четкилари 2 м, старт томонидан – 3 м.

Бу йулкалар икки кисмга булинади – асосий ва борт кисми, ванна билан чегарадош. Борт кисми сувдан тескари тарафга, сувнинг окиб кетиши учун , киялик килинган (0,005), унинг эни 50 см.

Ваннанинг деворларида, узунлиги буйича 1,2 м чукурликда сув юзидан пастда, дам олиш учун уступ булиши керак, калинлиги 15 см, думалоклаштирилган бурчаклари билан (R=3см).

Ваннанинг торец – старт томонида, хар бир йуналишни маркази буйича сув сатхидан 30-50 см юкори, куллар билан ушлаш учун чункирликлар ушлагичлар билан бирга.

Трамплиннинг майдончасининг зал тепа ёпмасининг чикиб турувчи кисмигача булган масофа 2,5 м дан кам булмаслиги лозим. 10 мдан ва унгача булган урнатиш эхтимоли хам бор.

Сув юзаси бир нечта сузиш учун йуналишларга, кичик сузувчи жисмлардан, ёгоч бруслардан (d08 см ва узунлиги 1,6-2м) дан иборат чизиклар билан ажратилган.

Бир йуналишни калинлиги 2,25м деб кабул килинган, четки кисмларга кушимча 0,5 – 1 м масофа, деворларга урилиб кетиш эхтимоли учун кушиб берилган.

Трибуналар булган такдирда энг четки куриниш, энг четдаги сузиш йуналишининг марказига тугри келиши керак.

Ваннанинг конструкцияси одатта монолит темирбетондан ёки йигма темир – бетон элементларидан ташкил топади. Ваннани курилиш жойига караб у таянчларда ёки заминнинг узида булиши мумкин. Бундан ташкари аралаш усул хам кулланилади, бунда ваннанинг энг чукур кисми заминга энг паст кисмлари таянчга таяниб туради. Хамма холатларда хам ваннанинг тулик гидроизоляция кисми зарур.

Ваннанинг энг паст кисмларидаги таянчга тиралган жойларида, санитар-техник ва бассейни эксплатация килиш билан боглик булган хоналарни жойлаштириш мумкин.

Бинони лойихалаётган пайтда асосий рольни ёрдамчи хоналар, мисол учун санитар – техник курилмалар вентиляция учун, иситиш, электрфикация, сув етказиюю бериш, иситиш ва тозалаш учун мулжалланган хоналар уйнайди. Шунинг учун агрегатлар жойлаштирилган хоналарни эхтиёткорлик, пожар-техник томондан ва томошабин-спортсменларга халакит бермаслик учун, лойихаланади.

Ваннани текшириш ёки мавжуд буладиган ёрикларни таъмирлаш, ванна атрофи буйича ёрдамчи хоналар урнатилади.

Биз купгина махсус катта спорт мастерлари учун курилган бассейнларни куришимиз мумкин, бунда ванна 2 кисмга ажратилган 5 сувга сакраш кисми (20х20 м) ва сузиш учун кисм (50х20 м).

Ваннанинг четки кисмларида «купикли йигмалар» жойлаштирилган, улар ортикча сувни олиб чикиб кетиш учун ва бассейнда хар доим сувнинг сатхини бир меъёрда ушлаб туриш зарур. Бир хил жойларда ванналарнинг пастки кисмларини ёритиш мосламалари жойлаштирилган, улар спортсменлар харакатини томоша килиш ва фотолавхалар олиш учун ишлатилади.

Чумилиш бассейнларида хар хил турдаги: курикланадиган, ечиниш хонаси билан: эркаклар ва аёлар учун алохида ечиниш жойлари билан, ёки курикланмайдиган, индивидуал кабиналар билан, турлари мавжуд.

Хозирда бизда янги бассейнлар жуда оз микдорда, умуман курилмаяпти десак хам булади. Чунки купгина Узбекистондаги бассейнлар марказдан келган мутахасислар томонидан лойихаланган. Бизнинг максадимиз, нафакат бассейн балки бошка турдаги бинолар лойихалашни чукур урганиб, бизда хам дунё стандартларига мослаштирлган, Олимпия уйинлари утказиш учун мулжалланган бассейнлар лойихалашдир.

## АЭРОВОКЗАЛЛАРНИНГ АРХИТЕКТУРАВИЙ КОМПОЗИЦИОН СХЕМАСИ.

Жамоат бинолари ва иншоатлари туркумига кирувчи транспорт типидаги курилмаларга аэровокзал киради. Улар умумий пассажирларга хизмат курсатиш учун, яъни хаво йулидан олдин ва кейин ишлатилади, бундан ташкари, кутиб олувчи ва кузатувчиларга хам хизмат килинади.

Асосий ишлаб чикариш технологик курсаткичларга аэровокзални уни утказиш катталиги, у пассажирлар сони билан белгиланади, бу бир ой, кун, йил ичида нечта пассажир утказиш курсаткичи дейилади.

Аэровокзалларни утказиш курсаткичи асосан, одамлар куп булган даврга караб хисобланади. Узининг пассажирларни утказиш курсаткичига караб аэровокзал комплекслари бир нечта гурухга булинади:

1. Кичик – 35, 50, 100, 200, 400
2. Урта – 600, 800, 1000. 1200
3. Катта – 1500, 1800, 2000 жуда катта – 2000 дан куп.

Аэровокзал комплекслари аэропортнинг бир кисми хисобланади, бу асосий ташки ердаги транспорт воситаси билан хаво транспортини улаб турувчи воситадир.

Аэровокзал комплекси таркибига аэровокзал олди майдони ёки перрон, у узининг таркибига мехмонхона, овкатланиш иншоатлари ва аэровокзал комплексининг таркиби, унинг пассажирларни утказиш курсаткичи, асосан унинг синфи, аэропортнинг катталиги ва нима учун хизмат килиши, йиллик ташиши хажмига боглик булади.

Аэропортнинг синфи йиллик пассажирларни утказиш кобилияти, яъни умумий учиб кетувчи, транзит, трансфер (яъни рейсга утувчи пассажирлар), ва келувчи сонига, аэропорт синфига, хавфсиз келиб-кетишни таъминлаш ва маълум типдаги хаво кемаларини учириш билан аникланади.

| Аэропорт синфи | Аэровокзал, аэропортларнинг утказиш курсаткичи, пасс/соат. | Йиллик пассажирлар ташиш хажми млн.пасс. |
|---|---|---|
| I | 2000-3000 | 7-10 |
| II | 1500-2000 | 4-7 |
| III | 1000-1500 | 2-4 |
| IV | 400-1000 | 0,5-2 |
| V | 100-400 | 0,1-0,5 |
| Синфлаштирилмаган аэропортлар | 35-100 | 0,025-0,1 |

Вазифага караб аэровокзал комплекслари хизмат курсатиш турига караббулинади: махаллий, союз давлатлари ичида, чет элларaро. Махаллий хаво йуналишлари асосан бир Республика ёки автоном Республика ичидаги майда шахарлараро йуналишлар учун ишлатилади, уларда асосан урта ва кичик сигимли хаво тайёрлари ишлатилади (Л-410, ЯК – 40, ЯК-42). Союз давлатлараро йуналишлар асосан хар хил Республикалар катта шахарлари ва пойтахтларини улаб туради, улар асосан урта, катта ва жуда катта хажмдаги ва катта фюземежли хаво самолётлари учади (ТУ – 154, ИЛ –86, ИЛ - 86).

Совет даврида чет эл билан учиб кетувчи ягона аэропортдан хизмат килинар эди. Хозирда СССР булиниб кетгандан кейин хар бир мустакил Республика пойтахтларидан хам чет эл ва давлатлараро йуналишларга хаво самолётлари хизмат килади.

Аэровокзал комплекслари умумдавлат хаво йуналишлари ва хизмат курсатишга караб узок сафарли (2500 км дан олисрок), урта (1000-2500 км) ва калта (1000 км гача) йуналишлиларга булинади.

Пассижирлар учун аэровокзал комплекси аэропорт курилмалари ичида асосий урин ва жой эгаллайди, чунки унинг чегаралари ичида ер

транспортидан хаво транспортига утиш ташкил этилган. уМумий бош тархни умумий куриниши аэровокзалга боглик. Аэровокзал жойидан ташкари булган хаво тайёраларини учиб кетиш йуллари, бошка иншоатлар, ички порт йуналишлари ва кириш кисми, пасажир – аэровокзал, юк ташиш комплекслари, хаво-техник омбор ва устахона, тайёраларни таъмрилаш иншоатлари, ёрдамчи бинолар, аэровокзални бош тархда келиб чикилига боглик холда жойлаштирилади. Узининг хизмат курсатишига боглик холда аэровокзал комплекси асосий учта бош зоналарга булинади: перрон (вокзал олди перрони), вокзал олди майдони, пассажирлар учун аэровокзал.

Аэровокзал бош тархининг ечилиши асосан факатгина шахарсозлик факторларига карамасдан, унинг ички факторларига хам боглик: пассажирларни утказиш кобилияти ва уни купайиши ва пасайиши, вокзалнинг таркиби (бир аэровокзалли ёки бир нечта аэровокзалдан иборат булган аэропорт), аэровокзалнинг самолёт билаан богликлиги, пассажирларни тайёрага ётказиш ва юкларни ташиш билан хам боглик булади.

Аэровокзал лойихаланаётганда куниш иншоатларидан ташкари, асосан хаво йуналишлари учун авиперронлар – кукаламзорлар ва асфальтланган перронлар ва бино орасидаги жойлар хам лойихаланади. Бино олдига келиш йуллари планировкаси аэровокзал схемаси ва курилиш жойига боглик булади.

Бир йуналишли аэропортларда, вакт утиши билан иккинчи аэровокзал курилади, агарда эски бинони катталаштириш имкони булмаса. Тошкент, Алма-Ата, Ереван, Тбилисидаги аэровокзалларда асосан биринчи аэровокзал ички йуналишлар учун, иккинчиси давлатлараро ва узок масофали рейслар учун кулланилади.

Бир нечта учувчи ва кунувчи йуналишли аэропортларда куп холларда урта, катта ва жуда катта аэровокзал комплексларига булинади.

Амалиётда аэровокзал комплексларини лойихалашни 4 тури мавжуд:

1. Аэровокзаллар марказий курилиш чизигида жойлашади, вокзалолди кисмида ва у буйлаб, куниш иншоатлари перронларгача, марказий кисмнинг икки томони буйлаб жойлаштирилган. Хар бир аэровокзалнинг бош тархи туртбурчак – тугри чизик схемаси ва марказлаштирилган транспорт тухташи буйича жойлаштирилган.
2. Аэровокзаллар йуналиши буйича вокзалолди кисмида икки тарафдан булади, улар уз каторида перронларга туташади (Лос – Анжелесдаги аэропорт тугри туртбурчак – чизикли схема буйича хар бир аэропорт лойихаланган, ундаги транспорт келиш жойи марказлаштирилган): Рио-

де Жанейродаги аэропорт – компакт радиал – айлана схемаси, марказлашган тухташ жойи буйича лойихаланган.

3. Бинонинг технологик кисми вокзалолди территориясининг икки ён тарафида жойлашган, кушимча хизмат курсатиш иншоатлари, вестибюл ва бошка хоналар вокзалолди территорияси буйлаб жойлаштирилган.
4. Аэровокзаллар йуналишларга кундаланг холда жойлаштирилган. Кесиш йули тайёраларни икки хил баландликда йуналиши учун мулжалланган. Хар бир аэровокзал бош тархи тугри-туртбурчак чизикли, транспорт тухташ жойи марказлаштирилмаган.
5. Дунёдаги барча аэропортларда асосий олти турдаги хизмат курсатади.

1. Марказлашган рейслар буйича система: пасажирларни регистрация килиш марказий залда, пассажирларни кайси рейсга чикишига караб, марказий хажмда ёки тайёралар тухташ жойи олдида кутилади.
2. Марказлашган эркин система. Пассажирларни регистрация килиш марказий залда хохлаган жойда амалга оширилади.
3. Марказлашмага модул система: пассажирлар марказий залдаги табло буйича информация олишади ёки таркатишади, кейин марказлашмаган хизмат курсатиш залига йуналишади.

Комбинилаштирилган ажратилган система.

Регистрация килиш икки нуктага (аэровокзал ичидаги)

Ажратилган. Мисол учун : Аэровокзал маъмурияти жавобгарлиги учун юк кабул килинади, чиптани текшириш ва жой олиш зал-йигувчига киришдан олдин амалга оширилади.

Учинчи авлод аэропортларининг янги ечимларида , 70-йиллардан бошлаб, янги умумий, бош тархнинг органик ечимлари, марказий композицион фикр буйича лойихалашга интилмокда.

Бундай йуналишдаги биринчи аэропортлардан Париж-де-Голь аэровокзалидир, лекин кейинчалик уни лойихалаш сустлашган ва узининг композицион яхлитлигини йукотган.

Авиациянинг ривожланиши билан, аэровокзаллар ички структурасини узгартирмокда, янги хизмат курсатиш, усуллари, янги механизмлар ва автоматлаштирилган механизмларни, кул мехнатидан холи булиш кулланилмокда. юКларни ташиш, уларни самолётларга ва пассажирларга етказиб беришни кулайлаштириш ва автоматлаштириш кулланилади.

## КЛУБЛАР, УЛАРНИНГ ХАЖМИЙ ЛОЙИХА, КОМПОЗИЦИОН ЕЧИМЛАРИ.

Клуб деб инсонларнинг дам олиш вактини утказиш учун йигиладиган жойга айтилади. Уларни бу ерга умумий хаваскорлик кизикишлари йигади.

Клублар кадимги даврларданок ривожланиб келган.

Универсал клублар кишлок зоналарида сакланиб колган, чунки якин атрофда томоша, спорт иншоатлари ва кутубхоналар мавжуд эмас. Буларнинг хаммаси кенг типологик палитрани яъни клубхонасидан то ривожланган дам олиш марказигача олиб келади.

Хозирги вактда энг кенг таркалган клуб турларидан бир нечтаси-2 та хилма-хил турлардан иборат 2 кисмли клуб: оммавий, кизиктириш ва тугарак хоналари.

Клубнинг бу 2 кисми хар – хил архитектуравий ечимга эга.

Клубларни хамма турлари узининг функционал максадига кура куйидаги 3 асосий гурух хоналарига булинади:

1. Томоша булим хоналари.
2. Клуб булим хоналари.
3. Хизмат-курсатиш ва маъмурий хоналар.

Клуб биноларининг тури ва канча одамга мулжалланганлиги, кайси жойга курилиши иклим шароитларига караб архитектуравий композицион ечими турлича булади.

Клуб биносининг композицион шаклланиши томоша зали, фойе, вестибюль ва клуб хоналарининг узаро богланиши ва жойлаштириши схемасига караб, 2 хил булади:

1. Томоша зали фасадда перпендикуляр.
2. Томоша зали фасадда параллел.

Клублар куйидаги 5 турга булинади:

1. Кишлок клублари (колхоз ва совхозларнинг посёлкалари)
2. Кишлок маданият уйлари. Вилоятлар марказларининг маъмурий ер участкалари.
3. Нохия маданият уйлари.
4. Шахар клублари.(Шахарликларнинг турар-жой марказларида).
5. Шахар маданият уйлари. Шахарларнинг жамоат марказлари.

Юкорида курсатилган клублардан ташкари махсус клублардан ташкари махсус клублар булиши мумкин, шахмат клуби, адабиёт, ижодий клублар.

Клублар 2 хил булади:

1. Томоша залининг узунлик уки тарзга нисбатан 1 равишда жойлашади. Бунда куйидаги вариантлар булиши мумкин.

2. Вестибюль залнинг кундалангига ьирикиб, фойе унинг устки 2-каватида жойлашади. Клуб хоналари залнинг бирор-бир буйламаси томонига, узунасига 2 каватли булиб, жойлашади.
3. Фойе 1- каватда, залнинг узунасига жойлашади, клуб хоналари вестибюль ва фойеларнинг тепа кисмида хам эплама хам буйлама томонлама жойлашади.

Бу схемасининг афзаллиги фойени томоша зали зали поли билан бир хил баландликда.

Камчилиги: Асосий тарзни, очиш анча кийин булади.

2 – схема. – Томоша зали узунлик уки тархларга параллел жойлашади.

А) Асосий тарз томонга вестибюль ва фойе. Клуб кружок хоналари эса сахна томондан залнинг кундалангига жойлашади.

Б) Асосий тарз томонда томоша зали, вестибюль унинг энлама томонига жойлашади. Фойе залнинг узунасига, орка тарз томонида жойлашади.

А) Вариантда кружок хоналари сахна билан кулай богланган.

Камчилиги: Фойе проходной. Бу холат зални кинотеатр сифатида ишлайди, фойе алохида ишлаб булмайди.

## САВДО БИНОЛАРИНИНГ КОМПОЗИЦИОН ЕЧИМЛАРИ.

Савдо хизмат курсатиш бинолари 2 та категорияга булинади:

1. Стандартли (куп куриладиган). Бунга куйиладиган талаб:

- Одамлар унга бориш ва у ердаги харидор учун жуда кам вактини сарфлаши керак.

Бу биноларнинг вазифаси:

- Ахолини кундалик керак буладиган товарлар – озик овкат махсулотлари ва шунга ухшаганлар билан таъминлаб туриш.

Бу категорияга мансуб булган биноларни кишилар куп пиёда юрадиган, транспорт воситалари билан богланган йулларда, турар жой зиналарида, мехнат килиш жойларида, транспорт чоррохаларида, дам олиш жойларида куриш максадга мувофикдир.

Бундай биноларга озик-овкат магазинлари: курилиш моллари магазинлари, махсус хизмат килиш бинолари, универсамлар киради.

2. Махсус савдо бинолари. Буларга куйиладиган талаб:

- Инсонларнинг буш вактида утказиши учун канфорт шароитни яратиш:

уларнинг вазифаси:

- Ахолини маданий, илмий, иктисодий ва бошка хаётларида керак буладиган, хар турли шахсий талабларига мос товарлар билан таъминлаш.

Бу категорияга мансуб бинолар максадли жойлаштирилади, яъни транспорт етадиган жойда, махсус ажратилган жойларда, шахар микёсидаги дам олиш жойларида ёки туризм зоналарида жойлаштирилади.

Бу биноларга жамоат савдо марказлари, универсамлар, махсус магазинлар, махсус салонлар, махсус танлов павильонлари киради.

Савдо бинолари хизмат курсатишларига караб:

1. Турар жой зиналаридаги савдо бинолари.
2. Шахар микёсидаги савдо бинолари.

Савдо биноларининг куйидаги типлари мавжуддир:

1. Универсамлар – озик – овкат ва но озик – овкат товарларини узида мужассамлаштирган йирик комплекс магазинлар. Универсамларнинг куввати 400-2000 м2.оптимал – 900 м2.
2. Универмаглар – озик-овкат ва но озик-овкат махсулотларини узида мужассамлаштирилган йирик универсам магазинлар. Универсамларнинг куввати- 3500 – 22000 м2.
3. Гастрономлар – йирик озик-овкат магазинлари. Улар универсал магазинлар таркибида ёки алохида курилиши мумкин.
4. Махсус магазинлар: а) озик-овкат (нон магазин, кондитер ёки сабзавот магазинлари). Б) ноозик-овкат (аёллар учун, эркаклар учун ёки болалар учун магазинлар. Пойафзал ва бошкалар). Ахолининг шахсий эхтиёжларини кондитер магазинлар.
5. Бозорлар – кишлок хужалик жамоалари томонидан яратилган кишлок хужалиги махсулотлари учун ёки оммавий жамоат моллари учун мулжалланган каторлар, бинолар.
6. Савдо бинолари куйидаги асосий хоналардан иборат.

- савдо заллари ёки бошка мижозларга хизмат килувчи хоналар.
- Товарларни кабул килиш ва саклаш хоналари.
- Ёрдамчи хоналар (устахона, реклама, инвентарлар)
- Маъмурий ва хизмат курсатиш хоналари:
- Техник хоналар.

Жамоат савдо бинолари хам бошка бинолардек бадий жихатдан куркам булиши керак. Бу куркамлик албатта унинг функциясидан келиб чиккан холда булиши керак, яъни тарзда бу бинолар савдо биноларига хос белгилари, хусусиятлари билан ажралиб туриши керак.

Бунинг учун куйидагилар амалга оширилса фойдадан холи булмайди деб уйлаймиз:

- Алохида функционал зоналардан иборат булган мураккаб савдо марказларида алохида ансамблларни 1 та композицион йуналишларида буйсундирилса:

бундан ташкари савдо биноларининг бадиийлик жихатдан бир хил элементларни метрик кайтариш, пластик ечиш ва шу оркали бинонинг шакл ва деталларининг нозиклигига эришиш билан ошириш мумкин.

Тарзда хар хил фактурали материалларнинг алмашиниб келиши, масалан, девор ва ойна, яъни бадиий контрастлик билан, ранглар композицияси билан, декоратив барельефлар ва хар хил рекламалар билан бинонинг бадиий куркамлигини ошириш мумкин.

Агар бинога кириш алохида ажратилса, бинонинг якинида фонтанлар, яшил газонлар ёки гуллар, скульптура ишлари булса яна хам яхширок булар эди.